



Tadqiqot UZ



ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



30 NOYABR
№34

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
8-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
34-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-8**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
34-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-8**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 34-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АДАБИЁТ

1. Xolmanova Sh. Q., Suyonova N. N BADIY MATNLARDA SALBIY EMOTSIYANI IFODALASHGA XOS MORFOLOGIK TAMOYILLAR TAHLILI.....	7
2. Эрназаров Алишер Эргашевич ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ИЛМНИНГ АҲАМИЯТИ	9



АДАБИЁТ

BADIIY MATNLARDA SALBIY EMOTSIYANI IFODALASHGA XOS MORFOLOGIK TAMOYILLAR TAHLILI.

Xolmanova Sh. Q.

SamDCHTI magistranti

Ilmiy rahbar: Suvonova N. N.

Anotatsiya: Ushbu maqolada badiiy matnlarda salbiy emotsional – expressiv soʻzlarning qay tarzda ifodalanishi va ularning morfologik tahlili haqida gap boradi.

Annotation: This article is about how negative emotional – expressive words are expressed in literary texts and their morphological analysis.

Kalit soʻzlar. Badiiy matn, grammatika, morfologiya, emotsional soʻzlar, salbiy emotsional soʻzlar, ijobiy emotsional soʻzlar.

Keywords. Literary text, grammar, morphology, emotsional words, positive emotsional words, negative emotsional words.

Badiiy matnlarning adabiyot va tilshunoslikda juda katta ahamiyatga ega. Badiiy matnlar, birinchi navbatda, oʻquvchi tasavvurini ragʻbatlantirishga qaratilgan. Ular, shuningdek, maʼlumotni yetkazishi yoki fikr va hatto gʻoyalar bahsini qoʻzgʻatishi mumkin. Lekin ularning asosiy xususiyati muallifning uslub va shakl boʻyicha qilgan ishidir. Badiiy matnlar oʻquvchining qiziqishini uygʻotish qudratiga ega.

Badiiy matnlarni lisoniy jihatdan tahlil qilganimizda morfologik birliklarning qay darajada ishlatilishi bilan bogʻliq holatlar toʻgʻrisida fikr yuritish talab etiladi. Morfologik birliklarning estetik vazifasi deganda “maxsus soʻz formalari vositasida shuningdek, maʼlum bir grammatik maʼnoga va funksiyaga ega boʻlgan soʻz formasini maxsus qoʻllash orqali ekspressivlik – emotsionallik ifodalanilishi tushuniladi.”^[1] Badiiy matnlarni tahlil qilish jarayonida, yozuvchining emotsional –ekspressiv ifoda vositalaridan qay darajada foydalanganligi koʻzga tashlanadi. Oʻz oʻrnida emotsional –ekspressiv soʻzlar badiiy matnning yanada taʼsirchanligini koʻrsatadi.

Ekspressivlik – emotsionallik ijobiy va salbiy maʼno qirrasiga ega boʻlgan soʻzlarda yaqqol koʻrinib turadi. Xoʻsh Ekspressivlik – emotsionallik oʻzi nima? “Ekspressivlik – emotsionallik - shaxsning voqelikka oʻz munosabatini his qilishidan kelib chiqadigan, uning ehtiyoj va qiziqishlari bilan bogʻliq boʻlgan yoqimli yoki yoqimsiz kechinmalaridir.”^[2] Badiiy matnlarni grammatik jihatdan tahlil qilish jarayonida mana shunday maʼno birliklariga ega boʻlgan soʻzlarni ajratish, qaysi turkumga xosligi va qay maqsadda qoʻllanilganligiga eʼtibor qaratish lozim boʻladi. Oʻz navbatida emotsional –ekspressiv soʻzlar ijobiy va salbiy emotsional soʻzlarga boʻlinadi. Masalan, hurmat, xursandchilik, erkalash, sevish, muhabbat maʼnolarni bildiruvchi soʻzlar ijobiy qirraga ega boʻlgan emotsional soʻzlar hisoblanadi. Masalan, bolajonim, mexribonim, toychogʻim, shirinim kabilar. Bu soʻzlarning aksi hurmatsizlik, kamsitish, jirkanish, kesatq, kinoya, nafratlanish kabi soʻzlar esa salbiy qirraga ega emotsional soʻzlardir. Masalan, iflos, tentak, axmoq kabi soʻzlar.

Fransuz adabiyoti, balki jahon adabiyotida oʻchmas iz qoldirgan, yorqin namayondalaridan biri Gi de Mupassan ham oʻz asarlarida mana shunday salbiy emotsional – expressiv soʻzlardan moxirona - oʻz oʻrnida foydalangan. Gi de Mupassanning Azizim (Bel – Ami) asari ham mana shular jumlasidandir. Quyida mana shu asarda foydalanilgan salbiy emotsional soʻzlarni tahlil qilamiz. Ushbu asar matnlaridagi morfologik hodisalar (mustaqil va yordamchi soʻz turkumlar) iga xos boʻlgan xususiyatlarni koʻrib chiqamiz.

1- misol:

- *Il marmurait : «les cochons !» tout en se dandinant avec grâce.^[3] (“Ifloslar!” - deya toʻngʻilladi u belini chayqab qadam tashlab borarkan.).* Bu gapda : *les cochons* va *grâce* ot soʻz turkumi. Asar qahramoni bu gapda « *les cochons !* » deb atrofidagi odamlarga boʻlgan oʻz



munosabatini g'azab orqali ko'rsatmoqda.

- *-il* va *se* kishilik olmoshi (les pronoms personnels) va *en* olmoshi qatnashgan. *En* olmoshi oldin aytib o'tilgan narsa yoki voqea-hodisalarni yana qayta takrorlamaslik uchun qo'llaniladi. Bu olmosh gapda ishlatilish maqsadiga ko'ra ikki xil bo'ladi, ya'ni artikllar o'rnida yoki predlog o'rnida qo'llanilishi mumkin ;

- *Il marmurait* fe'lining aniq nisbat shakli (*la voix active*) imparfait zamonida kelgan . *se dandinant* fe'lining o'zlik nisbat shakli (*la voix réfléchie*) qatnashgan;

- *tout* ravish (adverb) i qatnashgan ;

- *avec* predlog (préposition) i qatnashgan ;

2 – misol :

Jeter bas ce fripon , ce misérable, ce malfaiteur public! «^[4]

(Men bu muttham, ablahni, jamiyatga xafli bir yaramasni qulatmoqchiman!).

- Gapda *jeter* fe'li qatnashmoqda. Bu gapda *jeter* fe'li, fe'llarning shaxssiz shakli, ya'ni infinitif bo'lib kelmoqda

- *fripon* va *misérable, malfaiteur, public* ot so'z turkumi. Asar qahramoni bu gapda *fripon, misérable, malfaiteur* deb atrofidagi odamlarga bo'lgan o'z munosabatini g'azabi va nafratini bo'rttirib, ko'rsatmoqda. Bu gapda salbiy emotsional so'zlar ot so'z turkumi yordamida ifodalanyabdi.

Asarda qahramonning hayoti va ruhiyati o'rtasidagi muvofiqlikdan expressivlik yuzaga kelgan. Yozuvchi emotsional – expressiv so'zlardan moxirona foydlangan.

Xulosa qilib aytganda, badiiy adabiyot sohasida inson ruhiyatidagi tasvirini ifodalashda turli xil imkoniyatlardan, turli xil qarashlardan foydalashish mumkin. Emotsional – expressiv so'zlar - g'azab, nafrat ruhiyatni ifodalovchi so'zlarni turli xil vaziyatlarda, turli yo'llarda ishlatilganida ham ko'rishimiz mumkin. Ularni ta'sirli ifodalab berish esa har bir yozuvchining mahoratiga bog'liqdir.

Foydalanilagan adabiyotlar

1. Abdullayeva A. "O'sha asar" 41 – b
2. .Psychology David G. Myers Hope College Holland, Michigan .548 p
3. Bel Ami, Guy de Maupassant , 9 – page, Publication: 1885, Catégorie(s) : Fiction, Littérature, Source: Wikisource
4. Bel Ami, Guy de Maupassant , 428 – page, Publication: 1885, Catégorie(s) : Fiction, Littérature, Source: Wikisource



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ИЛМНИНГ АҲАМИЯТИ

Эрназаров Алишер Эргашевич.

Самарқанд давлат университети
Педагогика ва психология кафедраси
Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада илм фақат инсонларгагина хос бўлган бир сифат эканлиги, илмли бўлиш инсон учун бир зийнат ва ҳар бир фазилятнинг кўзгуси, ҳар қандай қийинчиликдан халос бўлишда инсонга ёрдам-битмас туганмас хазина, ёлғизликда ҳамроҳ, ғурбатда сирдош, дўстлар ҳузурида зийнат, душманларга нисбатан қурол, илм олиш дунёнинг ҳеч қаерида топилмас лаззат, ҳаттоки муқаддас динимизда ҳам илм олиш, илмли бўлиш буюк ҳислат эканлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: фарзанд, дунё, камол, таъминот, тарбия, билим олиш, таъминлаш, ғурур, ор, бурч, воқелик, фазилят, ахлоқ, турмуш тарзи.

Abstract: In this article, we learn that knowledge is a quality unique to human beings, that knowledge is an adornment and a mirror of every virtue, an inexhaustible treasure that helps a person to get rid of any difficulty, a companion in loneliness, a confidant in exile, adornment in the presence of friends, weapons against enemies, knowledge. It is said that getting knowledge is a great virtue that is not found anywhere else in the world, even in our sacred religion.

Keywords: child, world, perfection, supply, upbringing, knowledge, provision, pride, honor, duty, reality, virtue, morality, lifestyle.

Аннотация: В этой статье мы узнаем, что знание - это качество, уникальное для человека, что знание - это украшение и зеркало каждой добродетели, неиссякаемое сокровище, которое помогает человеку избавиться от любых трудностей, товарищ в одиночестве, наперсник в изгнании, украшение в присутствии друзей, оружие против врагов, знания. Говорят, что получение знаний - это великая добродетель, которой нет больше нигде в мире, даже в нашей священной религии.

Ключевые слова: ребенок, мир, совершенство, снабжение, воспитание, знания, обеспечение, гордость, честь, долг, реальность, добродетель, нравственность, образ жизни.

Ота-боболаримиз фарзанд дунёга келгандан тортиб, камолга етгунга қадар унинг таъминоти, тарбияси ва билим олишини таъминлашни ғурур, ор билан чамбарчас боғлиқ бурч, деб билган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам бу ўзининг теран аксини топган, яъни Конституциямизда, Оила кодексида, “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар, Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари билан фарзандларимиз, яъни вояга етмаган болалар манфаатларининг тўлақонли ҳимояси қафолатланган.

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари қафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган қатор чора-тадбирлар вояга етмаган, шунингдек, ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ёшларни жисмоний ва маънавий етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлди.

Илмнинг аҳамиятини англаш. Илм сўзи бир нарсани воқеликдагидек идрок этишни билдиради. Илм фақат инсонларгагина хос бўлган бир сифатдир. Илмли бўлиш инсон учун бир зийнат ва ҳар бир фазилятнинг кўзгусидир. Илм ҳар қандай қийинчиликдан халос бўлишда инсонга ёрдам беради. Илм битмас туганмас хазинадир. Илм ёлғизликда ҳамроҳ, ғурбатда сирдош, дўстлар ҳузурида зийнат, душманларга нисбатан қуролдир. Илм улуг бир мартабаки, у мартабага муяссар бўлгандан сўнг, инсон бошқа мансаб ва мартабага эҳтиёжи қолмайди, шу билан бирга у бошқа мансаб мартабаларни илмдан афзал ҳам кўрмайди. Илм олиш шундай бир лаззатки, у каби лаззат дунёнинг ҳеч қаерида топилмас. муқаддас динимизда ҳам илм олиш, илмли бўлишнинг ҳислатлари ҳақида “Ҳар бир мусулмон учун илм олиш фарз”, “Илм таҳсил этувчилардан Аллоҳ рози бўлиб, фаришталар қанотларини ёзиб турадилар”, “Илм йўлига кирган кимсани Аллоҳ жаннат йўлига йўллайди”, “Фаришталар ер



кўк аҳли, ўз инларида бўлган чумолилар, сувда бўлган балиқлар ҳам илм ўргатувчига раҳмат ҳам дуо қилурлар”, “Илм истаб чиққан кимса қайтиб келгунча Аллоҳ таъоло йўлида юрган ҳисобланади”, “Озгина илм кўп ибодатдан яхшироқдир”, мазмунидаги ҳадиси шарифлар ривоят қилинади. Илм олишга бўлган бундай тарғиб ва қизиқтиришлар бола онгида илм олишга нисбатан ижобий ҳислатларни уйғотади ва илм олишга бўлган рағбатини оширади. Бундан ташқари ота-она томонидан жамиятда илмли инсонларнинг мавқелари, уларнинг турмуш тарзи мисол келтирилиб, боланинг илм олишга бўлган иштиёқи оширилади.

Оилада фарзанд тарбияси билан машғул бўлган ҳар бир ота-она албатта боласининг илмли бўлишини хоҳлайди. Ахлоқий тарбия оила давраида бошланганидек, фарзанднинг ҳам илм билан шуғулланиши, илмли бўлиши, келажакда бирон соҳада муваффақиятга эришишига пойдевор бўлиб хизмат қилади. Афсуски кўпчилик ҳолларда ота-оналар фарзандининг билим олишини фақат мактаб зиммасидаги вазифа деб ўйлайдилар ва бу янгиш тушунча ҳамда илм олишнинг оила давраида тизимли ташкил қилинмаганлиги боланинг келажакда билим олишида маълум қийинчиликларга дуч бўлишига сабаб бўлади. Фарзанднинг илм олиши худди тарбия олиши каби ота-оналар томонидан назорат қилинса, тўғри йўналтирилса бу келажакда ўз меvasини биради, бола илмли комил инсон бўлиб вояга етади, ўз соҳасида етук бир мутахассис бўлади. Бундай натижаларга эришиш учун кўйидаги фикр ва хулосаларга амал қилинса мақсадга эриши оson бўлади деб ҳисоблаймиз.

Илм олиш тартиби. Илм - ўқишнинг ўз тартиб қоидаларига амал қилиш ҳам илм олишда муҳим саналади, яъни энг аввало зарур илмларни ўрганиш лозим. Чунки зарурий илмлар фарздир. Ундан сўнг бошқа илмлар ўрганилади. Маълум бир ўқув даргоҳида ўқийдиган бола ўша ўқув даргоҳининг қонун-қоидаларига, ўқиш тартибларига амал қилиши лозим бўлади. Илм талабидаги ўқувчи илм даргоҳида юрганда одоб-ахлоқли бўлиб, фақат илм олишга жидду жаҳд билан киришиши лозим. Бу жараён ҳам ота-она назоратидан четда қолмаслиги, ўқув даргоҳидаги ҳолатидан бохабар бўлиб туришлари, илм устозлари билан доимий алоқада бўлиб туришлари мақсадга мувофиқ саналади.

Ўқув даргоҳларида таҳсил олаётган ёшларнинг ўз хоҳиш-истаклари ва келажак режалари бўлиши табиий ҳол албатта. Лекин илм олишга нисбатан ниятларининг тўғри эмаслиги ёки бутунлай бирон бир нияти, орзу-умидларининг йўқлиги бу жуда хатарли ҳолат. Кўпчилик ёшларда илм олиш бу келажакда фаровон яшашнинг асоси деган тушунчагина мавжуд ҳолос. Илм олишда ниятнинг тўғри ва ҳолис бўлиши, келажакда боланинг шу соҳа бўйича етук бир мутахассис бўлишига замин бўлади. Шунинг учун ота-оналар, устозлар боланинг ниятини тўғри бўлмоғига эришмоқликлари, уни тўғри йўлга йўналтиришлари лозим бўлади. Бола илм сабабли улуғ ва ҳурматли киши бўлсам, халқ орасида қадрим баланд бўлса, жамиятга фойдали шахс бўлсам, қабул қилинадиган сўзим бўлса ва дин йўлида хизмат қилсам, илмим зарарли илм бўлмаса деб ният қилмоғи дуруст бўлади. Илм олишдан асл мақсад билиб, унга амал қилишдир. Инсонни амал қилишга сабаб бўлмаган илми фойда бермайдиган хазина каbidир. Лекин киши мен ниятимни тўғрилай олмаяпман дея илмни ташлаб қуйиши ҳам дуруст эмас, балки ниятни тўғри ва чиройли қилиш учун ҳам аслида ўқимоқлик зарур.

Албатта бизнинг ҳозирги ҳолатимизда илм талабидаги ўқувчилар ўқув даргоҳларида маълум фанлардан маълум ўқитувчилар дарс берса, у ҳолда биз устозни қандай танлаймиз дейишлари мумкин. Ўзи устоз тушунчаси кенг маънодаги тушунча бўлиб, уни фақат дарс берадиган маълум бир инсонларгагина қўллаш ҳам унчалик тўғри эмас. Инсоннинг ҳаёт йўлида кимки унга битта ҳарф бўлсада ўргантса, устоз саналаверади. Шогирдлар устоз танлашда унинг ҳулки, юмшоқ сўзлилиги, сабри, теран илми, марҳамлилиги, таъмагир эмаслиги ва шафқатли эканлигига эътибор қаратишлари керак. Киши ўзидан илммироқ устоздан сўрайди ва устозининг гапига қараб иш кўради ва унга эргашади. Устознинг ҳаққи бошқалардан ортиқ бўлиб, устознинг ҳурматиини жойиша қуйиш шогирдлар учун фарздир. Ҳазрати Али “Мен илм ўргатган кишининг қулидирман, истаса мени сотсин, истаса менга хизмат қилдирсин, истаса мени озод этсин” деганлар. Ота билан она фарзандни бу дунёга келтиришга сабабчи бўлсалар, устоз унинг етук комил инсон бўлиб вояга етишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам ҳикмат чашмаларида устоз отангдек улуғ дейилади. Яна шогирдлар бишлари лозимки устозни ҳафа қилган, кўнглини қолдирган шогирдни келажак ишлари муваффақиятли бўлмас. Айтадиларки: “Табибни ранжитсанг шифо топмассан, устозингни ранжитсанг нодон қоларсан”. Устоз танлашда ёши улуғ, билимли, тажрибали, кенгфикрли, ўз соҳасининг устаси, инсофли, диёнатли, ҳолис ниятли, ҳусни ҳулки бўлишига аҳамият



бериш керак. Инсон йиллар давомида қийналиб, турли машаққатлардан ўтиб эришадиган нарсаларга устози ёрдамида осонлик билан қисқа вақтда эришди. Яна бир нарсаси, илм фақат китобдан, интернетдан ва бошқа манбалардан олинмайди, илм қалбдан қалбга кўчади, устоздан шогирдга ўтади.

Таълим олишда шерик танлашнинг аҳамияти. Кишилиқ жамиятида инсонга атрофдаги дўстларнинг, шерикларнинг, ҳамкасабаларнинг таъсири катта бўлади албатта. Худди шу маънода илм йўлидаги толибнинг яқин ўртоғи, шеригининг ҳам яхши хулқи, илмга рағбатли бўлиши катта аҳамиятга эга. Чунки инсоннинг феъли ва хулқини билш мақсадида, муқаддам унинг ким билан дўст бўлгани сўралади. Агарда дўсти яхши бўлса, бу инсоннинг яхшилиги, агар дўсти ёмон бўлса, бунинг ҳам ёмонлиги ҳукм этилади. Илм таҳсилига киришган ўқувчига илмга рағбати бор, ҳамфикр, маслакдош шерикнинг бўлиши илм йўлидаги машаққатларни биргаликда енгишда мадад бўлади. Бу худди узок сафарга яхши шерик билан чиқиш кабир. Шерикнинг аҳмоқ, кўп гапирувчи лакма ва ялқов дангаси бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим. Чунки бу сифатли кишилар шерикликка энг нолойиқ кишилар бўлиб, илм олиш йўлида фақат зарар келтиришади холос. Албатта фарзандининг кимлар билан дўстлашиши, кимлар билан бўш вақтини ўтказиши, қайси давраларда бўлаётганлигини билиш ҳар бир ота-она учун муҳим вазифалардан биридир. Йиқилганда турғизиб қуймоқ, адашганда тўғри йўлга солмоқ ҳам ота-оналар ва устозларнинг вазифаларидандир.

Тиришқоқ бўлмоқ. Устозлар бир деҳқон кабирки, илм уруғларини шогирдлар қалбига экиб, келажакда мева беришига умид қиладилар. Лекин етилмаган ерга экин экиш ўз самарасини бермаганидек, шогирдлар ҳам тиришқоқлик билан илм олишга рағбат кўрсатмасалар, экиннинг кўкаришига ва ҳосил беришига умид қилмаси ҳам бўлади. Тиришқоқ, ижтиҳодлик кишилар мақсадларига эришадилар, бекилган эшиклар ижтиҳод қилувчи шогирдларга очилади. Илм таҳсил қилиш учун шогирд ҳам, устоз ҳам, ота-она ҳам тиришқоқлик билан ҳаракат қилсалар, мақсадлари бир бўлса мақсадга эришадилар. Ижтиҳодли шогирдлар кечаларни ҳам бедор ўтказадилар. Улуғ ҳақимлардан биридан “Бу илмга қандай эришинг?” – деб сўраганларида, “Кечалари ёндириб битирган мойларим, ичган сувларимдан ортиқ бўлди” – дея жавоб берган экан. Тиришқоқлик шогирднинг ақли ва фикри доирасида тана аъзоларига зарар қилтирмаган ҳолда маълум бир низом асосида узлуксиз таълим олишга ҳаракат қилишдир. Албатта бунга ҳам бирданига эришиб бўлмайди. Киши жисмоний машқ жараёнида юктамаларни ошириб боргани каби секин-асталик билан эришилади. Бу жараён ҳам ота-онанинг қатъий назорати доирасида бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Илмни ҳурмат қилмоқ. Илм олишга киришган шогирд унга муҳаббат қуймоғи, илмни ҳурмат қилмоғи зарур бўлади. Акс ҳолат илм унга ўз эшикларини очмайди. Илм аҳлини ҳурмат қилмоқ, аввало ана шу масъулиятни, яхшилиқ ва ёмонлик, маҳорат ва бачканалиқ, савоб ва гуноҳ ўртасидаги чегараларни англай олишдир. Илмнинг аҳамияти, илм олиш одоби, устоз танлаш, уни ҳурмат қилиш, касб-хунар эгаллаш борасидаги фикрлар мунозаралар манбаалар ва улуғ алломаларнинг асарларида батафсил баён этилган. Зеро инсон одобининг энг муҳим кўринишларидан бири бу илмни ҳурмат қилишдир, илмни ҳурмат қилган киши эса, албатта устозини ҳурмат қиладир. Илмни ва илм аҳлини ҳурмат қилиш одоби кишиларнинг фазилатларидандир. Шу билан бирга бир-бирига нисбатан яхши муомилада бўлмоқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини тутат билмоқ, ўзгаларни ҳам ўзидек ҳурмат қилмоқ инсон одобининг асосларидан бири ҳисобланади. Бу нарсалар ота-оналар ва устозлар томонидан турли мисоллар ёрдамида тушунтирилиб, бола онгига ёшлигидан сингдириб борилади.

Хунарли бўлиш – шарафдир. Албатта ҳар бир кишига хунарли бўлиш фарздир. Яна хунарли бўлиш шараф ва ҳурматли бир ишдир. Хунарли киши бировлар қўлидаги нарсаси таъма қилмайди, ўзини ва оиласини яхши касб билан боқади, бошқалардан сўрашга муҳтож бўлмайди. Қадимдан улуғ олимлар ҳамиша касбкор ва хунарли кимсани мадҳ этганлар. Ўзлари ҳам ҳамиша халқига ёрдам бериб, касб ва ишлар билан машғул бўлганлар. Шу сабабли ота-оналар фарзандини илм олишлари билан бирга бирон хунарни ҳам эгаллашларига ҳаракат қилишлари жуда ҳам мақбул иш ҳисобланиб, келажакда фойдадан холи бўлмайди.

Илм олишда одобнинг аҳамияти. Ўзи бундоқ олиб қараганда илмнинг ўзи ёки асоси одобдир. Қадимда устозга шогирд тушишни хоҳлаган талабгорлар дастлаб одоб дарсларидан ёки одоб босқичидан ўтганлар ва ҳатто бу йиллар давом этган. Айтадиларки, ҳусни хулқ



билан оз илмда кўп, қисқа умрда узун бўлади. Тақволик, сўзда ростлик, сабрлик, саботли ва тавозели бўлмоқ, ҳар ишда маслаҳатлашмоқ, саломатлик учун эътиборли бўлмоқ, ҳаммаси кўркем хулқ бўлиб, хусусан шогирдлар учун керакдир. Чунки, илм одам боласи учун улў саодат бўлиб, уни меҳнатсиз ва машаққатсиз эгаллаб бўлмади. Мақсадларга меҳнат кўприги орқали борилади, лекин шогирдлик меҳнатлари бошқаларга қиёси этилмайди. Шогирдлик меҳнатлари роҳатлари билан тутшиб кетиб, унга сабр орқали етадилар.

Юқорида айтилганлардан ташқари илм таҳсил қилмоқ учун мумкин қадар дунё машаққатларидан холи бўлмоқ лозим. “Ўзингни бутунлай топширмай туриб илм сенга ўзидан бир озини бўлсада бермас” дейдилар. Яна илм талабидаги шогирд ғайратли ва ҳимматли бўлишлари лозим. Чунки ҳимматсиз кимсалар кўзига кичкина нарсалар улў бўлиб кўринганида, ҳимматли кимсаларга жуда улў ишлар кичкина кўринади. Илмнинг муносиб вақтда қабул қилиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Илм таҳсил қилмоқ учун болалик ва ёшлик вақтлари мақбул саналади. Ёдлаш учун эса энг афзал вақт тонгги саҳар вақтларидир. Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақш мисолидир. Яна ўтилган дарсларни ёзиб бориш илм олишнинг асосий шартларидан биридир. Яна бир муҳим жиҳат тозаллик ҳам илм олишнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки поклик саломат бўлишнинг биринчи даражадаги муҳим сабабларидандир. Соғлом танда соғ ақл деб ҳам бежиз айтилмаган.

Миллат ва мамлакат маънавий тараққиёти оиладан бошланар экан, “Миллатлар шарафини юқорига кўтарадиган нарсa миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару, дунёда энг буюк бўлган кемалар эмас, балки энг эътибор берадиганимиз, ё бўлмаса, ҳеч бир замон эътибор бермай келадиганимиз бўлмиш – оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатларга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ўрнига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қураб”, - дейди ўтган асрнинг татар алломаси Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Ҳақиқатдан инсон тарбияси, унинг маънавий камолоти оиладан бошланади. “Қуш уясида кўрганини қилади” деб бежизга айтилмайди. Айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш, ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(8-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000